

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

НИЯЗОВА НАИМА АБДУЛЛАЖОНОВА

**ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН АХБОРОТ-ТАЪЛИМ МУҲИТИДА
БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ПЕДАГОГИК
ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Ниязова Наима Абдуллажоновна

Интеграциялашган ахборот-таълим муҳитида бўлажак касб таълими
ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлаш методикасини
такомиллаштириш3

Ниязова Наима Абдуллажоновна

Совершенствование методики подготовки будущих преподавателей
профессионального образования к педагогической деятельности в
интегрированной информационно-образовательной среде23

Niyazova Naima Abdullajonovna

Improving the methodology of preparing future teachers of vocational
education for pedagogical activities in an integrated information and educational
environment45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 49

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

НИЯЗОВА НАИМА АБДУЛЛАЖОНОВА

**ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН АХБОРОТ-ТАЪЛИМ МУҲИТИДА
БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ПЕДАГОГИК
ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Ped738 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ҳамда "Ziynet" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Химматалиев Дўстназар Омонович педагогика фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Туракулов Олим Холбутаевич педагогика фанлари доктори, профессор Хакимова Муҳаббат Файзиевна педагогика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "09" 06 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17; факс: 246-90-37, e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz).

Диссертация билан педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (40 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: 246-92-17; факс: 246-90-37).

Диссертация автореферати 2021 йил "26" 05 куни тарқатилди.
(2021 йил _____ даги № 5 рақамли реестр баённомаси)


Ш.Э.Қурбонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор
С.Ю.Ашурова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, п.ф.д., профессор
Қ.Т.Олимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида ахборот-таълим муҳитига асосланган педагогик ёндашувлардан кенг миқёсда фойдаланиш орқали мутахассиснинг касбий компетентлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда етакчи университетларда масофавий таълимдан фойдаланган ҳолда бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёнларини самарали ташкил этишнинг янги усуллари жорий этиш ва очиқ таълим платформаларини яратиш¹ орқали мустақил таълимни ташкил этиш механизмлари такомиллаштирилмоқда. Бу эса олий таълимда бўлажак мутахассисларнинг касбий малакаларини ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг муҳимлигини кўрсатмоқда.

Дунёдаги ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш индекси (ICT Development Index) бўйича етакчи давлатларнинг педагогик тажрибаларига асосан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига кенг татбиқ этиш ҳамда таълимнинг сифат даражасини янги босқичга кўтаришда касбий фаолиятга тайёрлаш муҳим ўрин тутди. Интеграциялашган таълим муҳитида ўзаро ҳамкорлик асосида тармоқ таълимни амалга ошириш, педагогик дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш орқали бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий компетенцияларини шакллантириш алоҳида ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи-назардан, олий таълим муассасаларида касб таълими йўналиши талабаларини халқаро стандартлар даражасидаги педагогик касбий фаолиятга тайёрлашда электрон таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш ва меҳнат бозори талабларига мувофиқ касбий малакаларини ривожлантириш катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда замон талаблари асосида таълим жараёнини ташкил этиш, жумладан, олий таълим тизими ва профессионал таълим узвийлигини таъминлаш, таълим мазмунини интеграциялаш, ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш орқали юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “Таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш”² муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу эса, олий таълим ва профессионал таълим узвийлигини таъминлаш орқали бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик касбий фаолиятига тайёрлаш методикасини янгича ёндашувлар асосида такомиллаштириш заруратини тақозо қилади.

¹ OECD Future of Education and Skills 2030. <https://www.oecd.org/education/2030-project/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/4545884>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Касб-ҳунар таълимининг шаклланиши ва ривожланиш жараёни, қонуниятлари ва тенденциялари ҳамда таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари Р.Х.Джураев, Ш.Э.Қурбонов, А.Р.Ходжабоев, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, Д.Д.Шарипова, Ш.С.Шарипов, Э.Сейтхалилов, Р.Д.Шодиев, М.Б.Уразова, О.А.Қўйсинов ва бошқа педагог олимлар томонидан тадқиқ этилган. Таълим жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, Ф.М.Закирова, Ж.А.Ҳамидов, О.Х.Турақулов каби олимлар илмий-тадқиқотлар олиб борганлар.

Таълим олувчиларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммолари бўйича МДХ мамлакатлари олимларидан Э.Н.Волкова, Ю.Н.Кулюткин, Л.М.Митина, В.А.Сластенин, В.А.Адольф, Э.Ф.Зеер, И.А.Зимней, Н.В.Кузмина, А.К.Маркова ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар, Э.В.Андрienко, А.А.Ахаян, Л.М.Булдыгина, Л.К.Гребенкина ва бошқалар томонидан эса узлуксиз педагогик таълим ва ўқитувчининг касбий ривожланишининг ўзаро боғлиқлиги аниқлаган.

Интеграциялашган “ОТМ-Профессional таълим” ахборот таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлаш механизмлари ва масофавий ўқитишни ташкиллаштириш муаммолари бўйича хориж олимларидан Т.Вeyer, R.Berk, E.Cotler, P.Dillenbourg, A.T.Mohr, J.M.Pallo ва бошқалар томонидан қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Юқорида келтириб ўтилган муаллифларнинг илмий-тадқиқот ишларида электрон таълим ва масофавий таълимда компьютер технологиялари ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича илмий хулосалар берилган. Мавжуд адабиётлар, илмий-тадқиқот ишларини ўрганиб таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, масофавий таълим бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган, лекин касб таълими йўналиши талабаларини касбий фаолиятга тайёргарлигини оширишда тармоқ таълимни амалга ошириш масалалари етарлича ўрганилмаган. Олий таълим муассасалари талабаларининг мустақил таълим олиши учун электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш имконияти мавжуд бўлсада, таълим жараёнида фойдаланишдаги камчиликларни бартараф этишга доир тавсиялар тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг АИФ 2/18 - “Саноат корхоналарининг талаблари асосида “Энергетика” таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва ўқув жараёнини оптималлаштириш” (2019–2021 йй.) мавзусидаги халқаро амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида интеграциялашган ахборот-таълим муҳитида талабаларни педагогик касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим ўқув-меъёрий ҳужжатларини мантиқий таҳлил қилиш ва мавзуга оид илмий тадқиқотларни ўрганиш асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларига қўйиладиган компетенциявий талабларни аниқлаштириш;

“ОТМ-Профессионал таълим” ижтимоий ҳамкорлигида ташкил этиладиган дуал таълим тизими имкониятлари асосида талабаларни амалий касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш;

олий таълим муассасаларида интеграциялашган ўқитиш шакллари ахборотлаштириш орқали ўқув ва педагогик амалиётларни ташкил этишнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш;

талабаларнинг педагогик касбий фаолиятга тайёргарлик даражасининг сифат кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш ҳамда ўтказилган педагогик тажриба-синов натижаларини математик-статистик қайта ишлаш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасаларида касб таълими йўналиши талабаларини интеграциялашган ахборот-таълим муҳитида педагогик касбий фаолиятга тайёрлаш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасаларида касб таълим йўналиши талабаларини интеграциялашган ахборот-таълим муҳитида педагогик касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришнинг мазмуни, шакли, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Психологик, педагогик, умумкасбий ҳамда ихтисослик фанларга доир адабиётларни тадқиқот муаммоси ва фанлараро узвийлик нуқтаи-назаридан ўрганиш, таҳлил қилиш; касб таълими бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича Давлат таълим стандартларининг таҳлили; умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича ўқув, ўқув-методик адабиётлар таҳлили; техника олий таълим муассасалари тажрибасини умумлаштириш; талабалар фаолиятини кузатиш, ўқитувчилар билан суҳбат қилиш; талабалар ва ўқитувчилар ўртасида сўровномалар ўтказиш, педагогик тажриба-синовининг натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда узлуксиз касбий ривожланиш босқичлари архитекtonикаси ўзини ўзи бошқариш, рефлексивлик ва креативлик каби шахсий ва касбий сифатларга қўйиладиган педагогик ва компетенциявий талабларни узвийлаштириш орқали аниқлаштирилган;

“ОТМ-Профессионал таълим” ижтимоий ҳамкорлигида ташкил этилган дуал таълим тизимида талабаларни педагогик қўллаб-қувватлаш ва ўз-ўзини ривожлантиришга мўлжалланган виртуал симуляцион тренажерларини компетенциявий ёндашув асосида ишлаб чиқиш орқали амалий касбий фаолиятга тайёрлаш методикаси такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларида амалий фаолият мақсадларини рақобатбардошлик контекстида навигация қилиш асосида ишлаб чиқилган ўқув ва педагогик амалиёт босқичларини қамраб олувчи интеграциялашган ўқитиш шакллари ахборотлаштириш орқали педагогик компетенцияларни ривожлантиришнинг ўқув-методик таъминоти такомиллаштирилган;

талабаларнинг мотивацион, когнитив, фаолиятли ва рефлексивлик каби касбий компетентлик кўрсаткичлари ҳамда витаген (амалий фаолият тажрибаси) параметрларини масофавий шаклда комплекс ва автоматик баҳолаш босқичлари модулли ва тизимли ёндашув асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг педагогик касбий фаолиятини интеграциялашган ахборот-таълим муҳитида ривожлантиришга қаратилган таълим методлари (муаммоли таълим, кўргазмали таълим, лойиҳалаш, тадқиқотчилик, кластер ва бошқалар)дан самарали фойдаланилган ва электрон таълим устуворлигини таъминлаган ҳолда талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилувчи “Қурилишда ахборот технологиялари” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини интеграциялашган “ОТМ-Профессионал таълим” ахборот-таълим муҳитида педагогик касбий фаолиятига тайёрлашда “Қурилишда ахборот технологиялари” номли педагогик дастурий маҳсулот ишлаб чиқилган, шу билан бирга, ўзаро ҳамкорлик асосида электрон таълим ва масофавий таълимдан фойдаланиб

педагогик касбий фаолиятга тайёрлашнинг методик модели ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

бўлажак ўқитувчини касбий компетенцияларини шакллантиришга қаратилган электрон таълим ресурслари, масофавий таълим сайтлари, электрон портфолио ва таълим порталларини ишлаб чиқишга доир “Бўлажак муҳандис-педагоглар дуал касбий компетентлиги моделларини қуриш ва уларнинг мазмун-моҳияти” номли методик ишланмалар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Касб таълими бакалаврият таълим йўналишларида умумкасбий ва ихтисослик фанларни ўқитишда интеграциялашган “ОТМ-Профессионал таълим” ахборот-таълим муҳитида педагогик касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштиришнинг илмий-назарий, илмий-методик асослари мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмунига ҳамда мазкур муаммо бўйича республикамиз ва хорижий педагог-тадқиқотчиларнинг илмий-назарий ғояларига асосланганлиги; тадқиқот методларининг тадқиқот вазифаларига мос равишда тадбиқ этилганлиги; илгари сурилган илмий ғояларнинг ўтказилган тажриба-синов натижаларидаги ижобий кўрсаткичлари ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ўтказилган тадқиқотнинг илмий аҳамияти олий таълим муассасалари “Касб таълими” таълим йўналиши талабаларини педагогик касбий фаолиятига тайёрлашда электрон таълим ресурслари ва масофавий таълим сайтларини ишлаб чиқишда веб дастурлашдан фойдаланиш, бундан ташқари дастурлаш тилларидан фойдаланиб педагогик дастурий маҳсулотлар яратиш методикасини такомиллаштирилганлиги, талабалар иштирокида педагогик дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилганлиги ва таълим жараёнига тадбиқ этилганлиги, педагогик фаолиятга тайёргарлик даражаларини ҳамда тажриба-синов ишлари натижаларини қайта ишлашда дастурий воситалардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти касб таълими умумкасбий ҳамда ихтисослик фанларини ўзаро ҳамкорлик асосида ўқитиш, интеграциялашган ахборот-таълим муҳитида бўлажак касб-таълими ўқитувчиларини касбий педагогик фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш модели ишлаб чиқилганлиги, қурилишда ахборот-технологияларидан фойдаланишга доир “Қурилишда ахборот технологиялари” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилганлиги, дастурлаш тилларида фанларга оид “Visual C++”, “Web-2.0” дастурий маҳсулотлар яратилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган асосий таклиф ва тавсиялардан техника олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик касбий фаолиятга бўлган қизиқишларини, таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ҳамда жамиятга юқори малакали кадрлар етказиб беришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Интеграциялашган ахборот-таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

“касб таълими” таълим йўналиши талабаларини интеграциялашган “ОТМ-Профессионал таълим” ахборот-таълим муҳитида ўқув ва педагогик амалиёт босқичларини қамраб олувчи интеграциялашган ўқитиш шаклларини педагогик фаолиятга тайёрлашда касб таълими йўналиши талабалари учун “Қурилишда ахборот технологиялари” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган ва таълим жараёнига татбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруқ, №418-362 рақамли гувоҳнома). Мазкур ўқув қўлланмадан таълим жараёнида фойдаланиш таълим сифатини ошишига ва касбий компетентликни ривожлантиришга хизмат қилади;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини электрон таълим ресурслари, таълим порталлари ва дастурлаш тилларидан фойдаланиб ўқув ва педагогик амалиёт босқичларини қамраб олувчи интеграциялашган ўқитиш шаклларини талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда фойдаланилган ва Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 октябрь 89-03-4260-сонли маълумотномаси). Мазкур модел бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришга хизмат қилади;

интеграциялашган “ОТМ-Профессионал таълим” ахборот-таълим муҳитида электрон таълим, электрон таълим ресурслари, таълим порталлари веб дастурлаш асосида талабаларнинг педагогик касбий компетенциялари шакллантирилган ҳамда масофавий шаклда комплекс ва автоматик баҳолаш босқичлари таълим жараёнига жорий этилиб, тажриба-синовдан ўтказилган, талабалар “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш лойиҳаси доирасидаги Академик инновациялар фонди томонидан молиялаштирилган “Саноат корхоналарининг талабалари асосида “Энергетика” таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва ўқув жараёнини оптималлаштириш” номли илмий лойиҳага жалб этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 03-09-253-сонли маълумотномаси). Мазкур ишлаб чиқилган электрон таълим ресурслари ва дастурий маҳсулотлар бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик касбий фаолиятига тайёрлашга ва педагогик тажриба-синов натижаларининг сифат даражасини ошишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий-услубий иш, жумладан, 1 та монография ва 1 та ўқув кўлланма, 1 та электрон ўқув кўлланма дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 4 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 149 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, объекти, предмети, илмий фарази, вазифалари, методлари ва методологик асослари, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ҳамда ишнинг синовдан ўтиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги баён қилинди.

Диссертациянинг **“Ахборот-таълим муҳотида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлашнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида таълимни ахборотлаштириш шароитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлаш мазмуни ва узлуксиз ривожланиш босқичлари, "ОТМ-Профессионал таълим" интеграциялашган ахборот-таълим муҳотида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлашда ижтимоий шерикчиликнинг ўзига хос хусусиятлари келтириб ўтилган.

Таълим тизимида АКТ воситаларини фаол жорий этиш, электрон таълимнинг тобора кенгайиб бориши бўлажак касб таълими ўқитувчисининг педагогик йўналиши таркибий қисмларининг янги хусусиятларини белгилайди. Бундай шароитда ўқитувчи ахборот жамиятида яшайдиган ва ишлайдиган шахсни ўқитиш тизимини ўзгартиришга қизиқиш кўрсатиши керак. Ўқитувчининг касбий фаолияти шахсга йўналтирилган таълим технологияларини ҳисобга олган ҳолда АКТ воситалари, ахборот тармоқлари имкониятларини реализация қилиш натижалари учун масъулиятни ўз зиммасига олиш талабига айланмоқда. Бунинг учун янги жамият шакллари, ўқитиш усуллари ривожлантириш, ахборот жамиятини ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларига мувофиқ уларнинг касбий даражасини доимий равишда оширишга эътибор беришни талаб қилади. Бу эса қуйидагиларни тақозо этади: бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг АКТ компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш ахборотни қайта ишлаш учун компьютер технологияларини назарий ва амалий ўрганиш орқали амалга ошириш; турли мақсадлардаги (умумий, махсус, ўқув)

дастурий таъминотни ўрганиш ва уни касбий фаолиятда қўллаш имкониятларини таҳлил қилиш; АКТдан фойдаланиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда фанни ўқитишнинг услубий тизимини ўзгартириш ва телекоммуникация технологиялари орқали педагогик тажриба алмашиш маданиятини сингдириш ва ҳоказо.

Электрон ўқитиш бўйича бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади: ўқитилаётган фаннинг электрон ўқув-услубий мажмуасини ишлаб чиқиш қобилияти; интерфаол, мультимедиа электрон таълим ресурсларини яратиш ва тайёрларидан фойдаланиш учун дастурий воситалардан фойдалана олиш қобилияти; профессионал таълим ўқувчилари учун таълим шакллари (телекоммуникацион лойиҳалар, викториналар, телеконференциялар, олимпиада ва бошқалар) ишлаб чиқиш ва ўтказиш қобилияти.


Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий ривожлантириш ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланиш асосида амалга оширилади (1-расмга қаранг).

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлашнинг яна бир муҳим таркибий қисми ўқув ва педагогик (ишлаб чиқариш) амалиётдир. Ўқув амалиётининг асосий мақсади – фан бўйича ўқув ишларини ташкил этишнинг асосий билимлари, кўникмаларини бирлаштириш, АКТ воситаларидан фойдаланган ҳолда талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишнинг методик услубларини ишлаб чиқиш.

Педагогик амалиёт жараёнида таълим мазмунини лойиҳалаштириш қобилиятлари ривожлантирилади. Педагогик жараённинг тузилиши, ташкилий, коммуникатив компетенциялар ҳақиқий ўқув жараёни контекстида шаклланади.

Электрон ўқитиш учун замонавий дидактик ва технологик ечимлар ўқув жараёнини бошқариш ва унинг барча қатнашчилари ўртасидаги масофавий алоқани автоматлаштиришни таъминлайдиган масофавий ўқитиш тизимларидан фойдаланишга, таълим мазмунини жойлаштириш ва асосий дидактик муаммоларни ҳал қилиш учун ягона технологик платформани яратишга қаратилган. Шундай қилиб, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлашнинг мажбурий таркибий қисми LMS воситаларининг ишлаши ва маҳоратини ўрганиш ҳисобланади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлашнинг анъанавий шакллари таҳлил қилиш қуйидаги муаммоларни аниқлашга имкон берди: баъзи талабаларнинг инновацион таълим технологияларини, шу жумладан, АКТ асосидаги технологияларни жорий этишга консерватив муносабати; узлуксиз мустақил таълим олиш учун мотивациянинг етарли эмаслиги; касбий фаолиятга тайёргарлик мазмунида ўзгарувчанликнинг йўқлиги; бўлажак касб таълими ўқитувчисини олий таълим муассасасини битиргандан сўнг педагогик таълим тизимига жалб қилишда ихтиёрийлик.



1-расм. Ахборот-таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш жараёни

Олий таълим муассасасининг профессионал таълим ва ўқитувчиларнинг касба уюшмалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдаги манфаатлари ҳисобга олинади. Буларга қуйидагилар киради: бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги мазмуни, шакллари ва усулларини бойитиш; талабаларнинг касбий мослашуви учун шароит яратиш; талабаларнинг илмий, педагогик ва психологик тадқиқотлари учун экспериментал сайтларни кенгайтириш.

Олий таълим муассасаси ва профессионал таълимнинг ўзаро ҳамкорликнинг шаклланган тамойиллари, йўналишлари, педагогик шарт-шароитлари бизга олий таълим муассасаси ва докторантура босқичларининг интеграцияси асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларнинг доимий касбий ривожланиши тизимини яратишга имкон беради (2-расмга қаранг).

Таълимни ахборотлаштириш шароитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг доимий касбий ривожланиши жараёнларини модернизациялашнинг замонавий тенденциялари таҳлили олий таълим муассасаси ва профессионал таълим босқичларининг интеграциясига асосланган ёндашувни ишлаб чиқишга имкон беради. Ўқитувчиларнинг доимий касбий ривожланиши жараёни электрон таълим ва масофадан туриб ўқитиш технологияларини жорий этиш билан тавсифланади ва касб-ҳунар профессионал таълимлари, олий таълим муассасаси ва виртуал методик бирлашмаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган "ОТМ-Профессионал таълим" интеграциялашган ахборот-таълим муҳити шароитида тақдим этилиши лозим.



2-расм. “ОТМ-Профессионал таълим” жараёнида виртуал методик таъминотни амалга ошириш орқали интеграциялашган ахборот-таълим муҳити

Диссертациянинг “ОТМ-Профессионал таълим” интеграциялашган ахборот-таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчисини педагогик фаолиятга тайёрлаш методикаси деб номланган иккинчи бобида бўлажак касб таълими ўқитувчисини педагогик фаолиятга тайёрлашда “ОТМ-Профессионал таълим” интеграциялашган ахборот-таълим муҳитини яратиш, талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлашнинг ахборот-технологик таъминотини ривожлантириш методикаси ҳамда “ОТМ-Профессионал таълим” интеграциялашган ахборот-таълим муҳитида педагогик фаолиятга тайёрлаш методикаси келтириб ўтилган.

"ОТМ-Профессионал таълим" интеграциялашган ахборот-таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлаш мақсадида олий ўқув юртлари ўқитувчилари, профессионал таълимлар виртуал методик бирлашмаларини ўзаро ҳамкорлик асосида бирлаштирадиган ижтимоий-педагогик тизим сифатида қаралади. Электрон таълим таркибини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишда талабалар, ўқитувчилар ва талабаларнинг биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш нуқтаи-назаридан масофавий таълим сайтидан фойдаланилди.

"ОТМ-Профессионал таълим" интеграциялашган ахборот-таълим муҳити асосидаги ёндашувлар асосли бўлди: тизимли ёндашув; фаолиятли ёндашув (ўқитувчилар, талабалар, ўқитувчиларнинг самарали, ижодий фаолияти учун шароит яратилишини белгилайди); интегратив ёндашув (ягона, интеграциялашган ўқув объектини яратишни таъминлайди);

компетенцияга асосланган ёндашув (бўлажак ўқитувчиларнинг асосий ва махсус компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш учун шароитларни, манбаларни, функционал имкониятларни кенгайтиришга имкон беради ва юқори сифатли касбий ривожланишни таъминлайди).

Интеграциялашган "ОТМ-Профессионал таълим" ахборот-таълим муҳитида минтақавий таълимни амалга ошириш мисолида кўриб чиқамиз. Бундай тузилмаларга қуйидагилар киради: Наманган муҳандислик-қурилиш институти ўқув портали, "Профессионал таълим" портали, ўқитувчиларнинг виртуал услубий бирлашмаси портали, ўқитувчилар, олий таълим муассасаси талабалари веб-портфолиоси. Интеграциялашган "ОТМ-Профессионал таълим"нинг тузилмаси 3-расмда келтирилган.



3-расм. НамМҚИда жорий этилган "ОТМ-Профессионал таълим" интеграциялашган ахборот-таълим муҳитининг тузилмаси

"ОТМ-Профессионал таълим" интеграциялашган модели-бўлажак ўқитувчилар сифатида доимий касбий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва самарадорлигига йўналтирилган тадқиқот давомида олинган барча дидактик-технологик, ахборот-технологик, ташкилий-технологик

талаблар, ахборот ресурслари ва ахборот ўзаро таъсирлаш технологияларининг тизимли комбинацияси, электрон таълим ва масофавий таълимдан фойдаланиш нуқтаи-назаридан муҳим аҳамиятга эга.


Ишлаб чиқилган педагогик фаолиятнинг асосий йўналишларини таъминлайдиган модуллар гуруҳи; талабалар учун электрон (масофавий) курсларни, профессионал таълимни амалга ошириш учун мўлжалланган модул; талабалар учун электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш модули; талабалар, ўқитувчилар, олий таълим муассасаси ўқитувчилари учун масофадан туриб фаол равишда олиб бориладиган методик фаолиятлари модулидан бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришнинг кўриб чиқилаётган йўналишлари "ОТМ-Профессионал таълим" интеграциялашган ахборот-таълим муҳитида электрон таълим ва масофадан ўқитиш технологияларини жорий этишга асосланган. Шу туфайли нафақат ўқув методик машғулотларнинг янги шакллари амалга ошириш, балки талабалар томонидан педагогик амалиёт даврида ҳам, ўқитувчилар томонидан дарсда ва дарсдан ташқари ишларда фойдаланишлари мумкин бўлган методик материаллар банкини шакллантириш учун унинг таркибий қисмларини бирлаштириш мумкин бўлди.

А.М.Пишкалонинг хулосаларига риоя қилган ҳолда, биз бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик касбий фаолиятга тайёрлашни методик моделни тўртта ўзаро боғлиқ компонентлар тўплами сифатида кўриб чиқамиз: мақсад, технологик, баҳолаш, натижа. Амалга ошириш жараёни биз томондан мантикий тўлиқлиги, мақсадлари, аниқ мавзуси, ташкилий ва услубий таъминоти ва натижаларни баҳолаш процедуралари билан ажралиб турадиган босқичлар тўплами сифатида тушунилади (4-расмга қаранг).

Методик моделнинг мақсадли таркибий қисми таълимни фаол ахборотлаштириш шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятига қўйиладиган талабларни акс эттирувчи мақсадларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Малака ошириш таркибида биз қуйидаги таркибий қисмларни кўриб чиқамиз: диққат, касбий компетенция, ижодий ютуқлар ва ўз-ўзини тарбиялаш мотивацияси.

Касбий йўналишни шакллантириш ва ривожлантириш талаба шахсини ривожлантиришда АКТнинг дидактик салоҳиятини тушунишни, АКТ воситалари имкониятларини амалга ошириш натижалари учун жавобгарликни ўз зиммасига олишни аниқлатади. Ўқитувчиларнинг касбий компетенцияси касбий фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан амалий фойдаланишга қаратилган. Ўқитувчиларнинг ижодий ютуқлари ЭТРни ривожлантиришни, электрон таълим технологиялари ва масофавий таълимдан фойдаланишни, профессионал таълим ўқувчилари учун интеграциялашган таълимни амалга оширишни, веб-портфолиони лойиҳалаштириш ва сақлашни назарда тутди.



4-расм. Бўлажак ўқитувчиларни "ОТМ - Профессионал таълим" интеграциялашган ахборот-таълим муҳити шароитида педагогик фаолиятга тайёрлашнинг методик модели

Ўз-ўзини тарбиялаш фаолияти очик масофавий курсларда ўқитиш, форумларда, интернет конференциялари ва телекоммуникация лойиҳалари жараёнида профессионал муаммоларни муҳокама қилишда иштирок этиш орқали амалга оширилади. Ушбу компонент электрон таълим ресурслари ва масофавий ва аралаш таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этишга қизиқишни билдиришни ҳам ўз ичига олади.

Масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланган ҳолда "ОТМ-Профессионал таълим" интеграциялашган ахборот таълим муҳити шароитида олиб бориладиган махсус яратилган услубий ишлар тўпламига қуйидагилар кириди: телекоммуникация лойиҳалари, веб-семинарлар, интернет-конференциялар, ўқитувчилар ва талабалар учун танловлар. Гармоқ таълимнинг мазмуни замонавий профессионал таълим учун долзарб бўлган янги ДТСни жорий этишни ҳисобга олган ҳолда электрон таълим технологияларидан фойдаланиш асосида ўқувчиларнинг билим фаоллигини ошириш муаммосига асосланган.

Диссертациянинг **“Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш”** деб номланган учинчи бобда педагогик тажриба-синов ишларининг ташкил этиш ва ўтказиш методикаси ва талабаларнинг ўзлаштириш натижалари ҳамда уларнинг математик-статистик таҳлили келтирилган.

Интеграциялашган "ОТМ-Профессионал таълим" ахборот таълим муҳитида бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга тайёрлаш методик моделига асосан педагогик тажриба-синов ишлари Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетиде ва профессионал таълимни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси билан ҳамкорликда 2017-2018, 2018-2019, 2019-2020 йилларда аниқловчи, изланувчи, шакллантирувчи ва умумлаштирувчи босқичларда 444 нафар талабалар иштирокида олиб борилди.

Тажриба-синов ишининг асосий мақсади илмий фаразани амалиётда синаб кўриш ва интеграциялашган “ОТМ-Профессионал таълим” бўлажак ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини электрон таълим ва масофавий таълимдан фойдаланиш аспектида баҳолаш эди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёргарлиги ҳолатини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари:

1. Креатив (юқори даража) – Талаба муаммони аниқлайди ва шакллантиради, ўз фаолиятини ўзи ташкил қила олади. Педагогик фаолиятни олиб бориш учун восита ва методларни танлай олади. Педагогик фаолият фарази, мақсади, объекти ва предмети мустақил аниқлай олади.


2. Қисман изланувчи (ўрта даража) – Талаба мавжуд намуна ва тўпланган тажрибага асосланиб топшириқ бўйича ўз педагогик фаолиятини қуриш кўникмасини намоиш этади. Мавжуд шароитга кўра ўз фаолиятини ташкил эта олади, фаразани шакллантиради, мақсадни аниқлайди ва методни танлай олади. Ўз фаолиятини ва ўзини ўзи мустақил таҳлил қила олади.

3. Репродуктив (паст даража) – Талаба мавжуд намуна ва конструкцияга кўра топшириклар бўйича педагогик фаолиятини куришни намоиш этади. Аммо у қўйилган педагогик масалаларини ечиш ҳолатида эмас. Талаба ўз фаолиятини мустақил таҳлил қила олмайди.

1-жадвал

Талабаларининг тажриба бошида ва тажриба охирида педагогик фаолиятга тайёргарлик ҳолати натижалари

Олий таълим муассасалари номлари	Даража	Тажриба-синов гуруҳлари (219 нафар талаба)				Назорат гуруҳлари (225 нафар талаба)			
		Тажриба бошида		Тажриба охирида		Тажриба бошида		Тажриба охирида	
		Талабалар сони	%	Талабалар сони	%	Талабалар сони	%	Талабалар сони	%
